

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 709-ҳадис

709 – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ كَلَامُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَلَاماً فَضْلاً  
يُفْهِمُهُ كُلُّ مَنْ يَسْمَعُهُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ [4839].

709. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг гаплари аниқ-тиниқ бўлар эди, эшитган ҳар бир одам тушунар эди».

*Абу Довуд ривояти.*

**Шарҳ:** Бу ҳадисдан гапирганда дона дона, тушунарли қилиб, тараддудланмасдан сўзлаш лозимлиги айтилмоқда. Ундан ташқари йиғилганларга фойда бўлиши учун имкон қадар овозни етказиш даркорлиги уқтирилмоқда.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

